



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 3 март, № 42 (9213)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ СИЁСАТИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Муносабат



Инвестиция ва саноат — иқтисодий трансформация омили ҳисобланади. Ташриф давомида тақдим этилган лойиҳаларнинг асосий қисми саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда хизматлар соҳасини қамраб олганининг сабаби ҳам шунда. Хусусан, вилоятда 100 млн. тоннадан ортиқ кўмир захира-ларидан самарали фойдаланиш орқали янги саноат қувватларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бу эса ҳудуднинг энергетик мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бирга, ишсизликни қисқартиришга хизмат қилади.

Саноатлаштириш жараёни камбағалликни қисқартириш сиёсати билан узвий боғлангани бизнинг ютуғимиз. Президент томонидан Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қизириқ ва Музработ туманларини “камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш вазифаси қўйилдики, ушбу ёнда-шув ҳам ҳудудий ривожланиш сиёсатининг янги моделини — манзилли ва натижага йўналтирилган бошқарувни аниқлатади.



Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига амалга оширган навбатдаги ташрифи ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича янги стратегик босқични бошлаб берди, десак, айни ҳақиқат. Негаки, ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилиб, умумий қиймати **7,1 млрд. АҚШ долларига** тенг йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётган бўлди. Бу воҳалиқларнинг турмуш даражасини юксалтириш билан бирга, ҳудудни саноат марказларидан бирига айлантиришга қўйилган муҳим қадамдир.

Ҳамкорлик

МИЛЛИЙ ТАШАББУСЛАР ВА ГЛОБАЛ ҚАРОРЛАР

1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, мустақил давлат сифатида халқаро муносабатлар тизимида ўзининг суверен ва тенг ҳуқуқли мақомини мустаҳкамлади. Бу сана мамлакатимиз давлатчилиги учун ҳуқуқий эътирофига эмас, балки янги тараққиёт йўлини танлаган халқнинг стратегик қарорини аниқлатади.

Бугун ушбу сана Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат фалсафаси билан ҳамбарчас боғлиқ. Агар 1992 йилдаги аъзолик халқаро ҳуқуқий тан олишни аниқлаган бўлса, ҳозирги вақтда у глобал жараёнларга таъсир кўрсатаётган, ўз ташаббусларини илгари сураётган ва қарорлар қабул қилинишига таъсир этувчи давлат мақомини ифодаламоқда.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари — очилик, конструктивлик, прагматизм ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик. Бу ёндашув БМТ Низомида мустаҳкамланган суверен тенглик, тинчликпарварлик ва халқаро ҳамкорлик тамойиллари билан уйғун.

Қисқа вақтда мамлакатимиз БМТ тизимидаги етакчи институтлар билан самарали шерикликни йўлга қўйди. БМТнинг Тараққиёт дастури давлат бошқарувини модернизация қилиш ва рақамлаштириш жараёнларида иштирок этмоқда. ЮНИСЕФ юртимизда болалар ҳуқуқлари ва инклюзив таълимни ривожлантиришда муҳим шерик ҳисобланади. ЮНЕСКО билан ҳамкорлик миллий маданий меросимизни жаҳон миқёсида эътироф эттиришга хизмат қилмоқда.



Мулоқот

Сирдарёда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари кунлари

Сўз — масъулият, сўз — ишонч. Шу боис матбуот жамият билан давлат ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилиб келмоқда.



Гулистон давлат педагогика институти ва Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона марказида ўтказилган «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари кунлари тadbирларида сўз кадри, ундан фойдаланиш масъулияти, бу бебаҳо неъматнинг одамларда эртанги кунга ишончли мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ижодий учрашувлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги ҳамда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ташкил этилганнинг 35 йиллигига бағишланди. Мулоқотларда газеталарнинг кўп йиллик муштарийлари, ёшлар, зиёлилар жам бўлди.

Тadbирда тахрират фаолиятида кейинги йилларда амалга оширилган янгиланишлар ҳақида маълумот берилди. Қайд этилганидек, бугунги ахборот маконида тезкорлик, аниқлик ва ҳолислик асосий мезонга айланган. Шу боис газеталар мазмун-моҳиятини замон талаблари асосида бойитиш, тахлилий материаллар салмоғини ошириш ва долзарб ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқур ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учрашувларда сўзга чиққанлар аҳолини ҳолис ва ишончли ахборот билан таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари катта ҳисса қўшиб келаётганини эътироф этди.



Онлайн учрашув

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА САМАРАЛИ ПЛАТФОРМА

«Ўзбекистон — Германия» ва «Германия — Марказий Осиё» парламентларо ҳамкорлик гуруҳларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Сўзбат давомида парламентларо ҳамкорликни Ўзбекистон — Германия муносабатларининг устувор йўналиши сифатида янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда Олий Мажлис Сенати ва Германия Бундестаги ўртасидаги ҳамкорлик Парламентларо Иттифоқ ва ЕХХТ Парламент Ассамблеяси доирасида тизимли ва жадал ривожланаётгани, «Ўзбекистон — Германия» ҳамда «Германия — Марказий Осиё» ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлари қонун ижодкорлиги соҳасида самарали платформага айлангани, кўмиталар ўртасида мунтазам мулоқот ва ўзаро ташрифлар долзарб масалалар муҳокамасига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни, шунингдек, таълим ва гуманитар соҳаларда шерикликни кенгайтириш муҳимлигига урғу берилди.

«Халқ сўзи».

Парламент назорати

СЕНАТОР СЎРОВИДА ТИЛГА ОЛИНГАН МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Авалроқ Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси Абдурашид Жўрабоев номига сенатор сўрови юборилган эди.

Унда телерадиокомпания тизимида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кекса ёшдаги ходимлар учун инфратузилмавий қулайликларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди. Сўров ижроси юзасидан кўрилган амалий чоралар натижасига кўра, 2025 — 2030 йилларга мўлжаллан-

ган манзилли дастур асосида компания тизимидаги биноларда босқичма-босқич реконструкция ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда марказий телеканаллар жойлашган 4 та бинода мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий студия мажмуалари барпо этилган, муҳандислик-коммуникация тармоқлари янгиланиб, техник жиҳатдан қайта жиҳозланган.



Фракциялар ҳаёти

Долзарб масалалар — муҳокама марказида

Инсон кадрини юксалтириш — устувор мақсад

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг шу йил 24 февраль куни мамлакатимиз ёшлари билан мулоқотида илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар мазкур учрашув ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган молиявий имкониятлар кенгайтирилаётганини алоҳида қайд этди. Хусусан, қўшимча маблағлар, катта миқдордаги имтиёзли кредитлар ва стартаплар учун инвестиция киритишга рухсат берилиши йигит-қизларимизни ўз бизнес гоёсини амалга оширишда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Ҳар бир ҳудудда ёшлар бизнес инкубаторлари ташкил этилиб, гоьдан тайёр маҳсулотга бўлган йўлда комплекс кўмак кўрсатилиши белгилангани, бухгалтерия, маркетинг, бозорга чиқиш ва бизнес режалаштириш бўйича амалий ёрдамлар ёш тadbиркорлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши ургуланди.

Ёшлар билан мулоқотда уларнинг таклиф ва ташаббуслари диққат билан тинглангани, айтилган муаммолар жойида ҳал этилгани Янги Ўзбекистон ёшларининг ислохотларга дахлдорлиги ва хайрихолигини оширди, — деди фракция аъзоси Адхамбек Исмоилов.

Йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифининг якунлари муҳокама қилиниб, бу борда ЎзЛиДеП фракцияси олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Фракция аъзолари ушбу ташриф аҳолига янада қулай шароит яратиш ва инсон кадрини улуглаш йўлида унутилмас воқеаларга бой бўлганини, айниқса, белгилаб берилган аниқ йўналишлар ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий салоҳияти юқори, инвестициявий жозибадор ва аҳолиси фаровон ҳудудга айлантиришга муҳим пойдевор бўлишини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда ташриф давомида илгари сурилган ташаббусларни ҳаётга татиқ этиш устидан таъсирчан депутат назоратини таъминлаш, ушбу жараёнда янада фаол ва ташаббус-

кор бўлиш лозимлиги ургуланди. Депутатлар жорий йилнинг 26 — 28 февраль кунлари фракция аъзоларининг сайлов округларида учрашувларининг якунларини ҳам кўриб чиқди.

Маълум қилинганидек, сайлов округларида депутатлар томонидан ташкил этилиб, 1324 та хонадон, 816 та МФЙ, 834 та тadbиркорлик субъекти ҳамда 719 та ижтимоий соҳа объектига ташриф буюрилган. Сайловчилар билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, 1008 нафардан зиёд фуқаролар қабули ташкил этилган.

Халқ билан яқиндан мулоқот қилиш мақсадида февраль ойининг охирига ҳафтасида сайлов округларига бўлиб, фуқаролар билан учрашди, — деди фракция аъзоси Одинахон Отахонова. — Учрашувларимиз давомида, аввало, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида илгари сурилган қатор ташаббусларнинг аҳамиятини йигит-қизларимизга етказдик. Шунингдек, аниқланган айрим масалалар мутасаддилар билан биргаликда ҳал этилди.

Йиғилишида кун тартибидан ўрин олган барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Креатив иқтисодиёт — ўсиш драйверларидан бири

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Мамлакатимизда 2024 йилда креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 3,7 фоизни ёки **56,8 ТРИЛЛИОН СЎМ**ни ташкил этган, экспорт ҳажми эса **770,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАР**га етган, соҳада **319 МИНГ НАФАР**дан ортиқ аҳоли банд.

2030 йилга қадар креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини **5 ФОИЗ**га ёки **145 ТРИЛЛИОН СЎМ**га етказиш, экспортни **1 МИЛЛАРД ДОЛЛАР**га олиб чиқиш, соҳадаги банд аҳолини **500 МИНГ НАФАР**дан ошириш мақсад қилинган.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш, маданият муассасалари инфратузилмасини яхшилаш ҳамда янги креатив майдонларни ташкил этиш бўйича ўтказилган тadbирдан.

Бугунги кунда креатив иқтисодиёт кўллаб давлатларда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Жаҳон ялли ички маҳсулотининг **3 — 7 фоизи** ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади.



СЕНАТОР СЎРОВИДА ТИЛГА ОЛИНГАН МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Жумладан, "Madaniyat va ma'rifat" va "Dunyo bo'ylab" телеканаллари жойлашган бино 1954 йилда қурилган бўлиб, сўнгги бор 1987 йилда таъмирланган. "Sport" ва "Futbol" телеканаллари фаолият юритаётган бино эса 1978 йилда барпо этилган ва 2007 йилда жорий таъмирдан чиқарилган. Ушбу биноларда капитал реконструкция ишлари бажарилиб, улар замонавий талаблар асосида янгиланди.

Тошкент радиозиёрат уйи биносида жисмоний имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида замонавий лифт ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди.

Умуман, сенатор сўровида кўтарилган масалалар ижроси таъминланиб, МТРК тизимида меҳнат шартлоғларини яхшилаш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш борасида амалий натижаларга эришилмоқда.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт КЕКСАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоятлар ҳокимлиги вакиллари билан биргаликда «Эътибор ва ғамхўрлик инсоний бурчдир» тамойили асосида ёлғиз яшовчи кексалар, соғлиғида муаммолари бор фуқаролар ҳолидан хабар олмақда.

Жумладан, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Одижон Маматқаримов Наманган вилоятига хизмат сафари доирасида Уйчи туманининг Беруний номидаги маҳалласида бўлди ва ёлғиз кексалар, нуронийлар ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олди. Улар билан самимий суҳбатлашиб, ҳаётини

тажрибаси, турмуш шароити ва муаммоларини тинглади. Суҳбатларда, айниқса, кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кундалик эҳтиёжларига амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Айрим мурожаатлар жойида ҳал этилиб, тегишли ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

Долзарб масалалар – муҳокама марказида

Мурожаатлар билан ишлашда самарали ёндашув зарур

Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида дастлаб Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифининг аҳамияти хусусида сўз борди. Мазкур ҳудуддан сайланган депутат Абдулҳаким Ёшбоев ўз қишида давлат раҳбарининг вилоятга ташрифи кутилганидан ҳам самарали бўлганини, бунинг исботини вилоятда умумий қиймати 7,1 миллиард доллар бўлган 13 та лойиҳанинг маҳалла туришириги ҳамда 31 лойиҳага старт берилганидан ҳам кўриш мумкинлигини таъкидлади.

— Энг асосийси, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 18 мингта янги иш ўрни яратилади, — деди депутат.

Шундан сўнг ййгилишда фракция аъзоларининг сайлов округларидаги учрашувлари масаласи атрофича муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, 26 — 28 февраль кунлари фракция аъзолари маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамроҳлигида ҳудудларда бўлиб, фуқаролар билан сайёр қабул, юзма-юз мулоқотлар ўтказди. «Депутат қабуллари», ёшлар билан очик мулоқотлар ташкил этилди. «Тарбия» фани дарслигининг ўқитиш ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Сайловчилар қонунчиликдаги сўнгги янгиликлар билан таништирилди, таклифлари қабул қилинди. Аниқланган муаммо ва фуқаролар мурожаатларида кўтарилган масалаларни жойида ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.



лаш масаласи кўтарилди. Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида эса педагоглар томонидан «Тарбия» фанининг дарсликларини қайта таҳрирлашга эҳтиёж борлиги маълум қилинди.

Бундан ташқари, маданий мерос соҳасида Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Сармишсой» қоятош расмлари ва «Чутут» тарихий масканини асраш ҳамда республика ва халқаро муҳофиза рўйхатларига киритиш масалалари республика даражасида кўриб чиқишни талаб этмоқда. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги 2-оилавий поликлиникада замонавий рақамли рентген ускунаси етишмаслиги тиббий хизмат сифатини пайсатиратиётган таъкидланди.

Ййгилишда мурожаатлар билан ишлашда самарадорликни таъминлаш, қонунчиликка таклифлар киритиш зарурлиги таъкидланди.

Муаммолар ечими парламент назоратида

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида жорий йилнинг 26 — 28 февраль кунлари депутатлар томонидан сайлов округларида ўтказилган ўрганишлар натижалари атрофича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, фракция аъзолари ҳудудларда аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказиб, ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини ўрганиш ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилди. Мазкур мулоқотлар давомида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ййгилишда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш амалиётида учраётган айрим муаммолар батафсил таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятига доир аҳоли фикр-мулоҳазалари тингланди.

Депутатлар томонидан бандликни таъминлаш, арзон ўй-ҳақ масаласи, коммунал хизматлар сифати ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш билан боғлиқ таклиф ва шикоятлар қайд этилди. Ушбу масалаларни тизимли ҳал қилиш юзасидан амалий чоралар белгилаб олинди.

Ййгилишда аниқланган муаммолар бўйича тегишли парламент сўровларини юбориш, масъул вазирлик ва идоралар билан муҳокама ўтказиш, зарур ҳолларда қонунчилик ташаббусларини илгари суришга келиши белгиланди.

Фракция томонидан ижтимоий адолат таъминлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиши қайд қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТ ЮКСАЛИШИНИНГ АСЛ МЕЗОНИ

Аёл — хонадон ободлиги, тарбия ва меҳр манбаи, фарзанд эса миллатнинг эртаси, келажак умиди. Буюк тарих, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган халқимиз учун оила ва ундаги ҳар бир инсоннинг қадри беқиёс. Оила қўрғонининг фариштаси бўлган хотин-қизларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, фарзандларни асраб-авайлаб, уларни ҳар қандай таҳдиддан ҳимоя қилиш азал-азалдан миллатимизга хос фазилат саналиб, эркак киши учун шаън ва гурур масаласи бўлиб келган.

Мулоҳаза

Бирок бугунги ривожланган жамиятда ҳам хотин-қизлар ва болаларнинг турли шаклдаги таъзия ва зўравонликларга учраётгани асрлар давомида шаклланган қадриятларимизга, инсонийлик, меҳр-оқибат ва адолат тамойилларига соя солмоқда. Зеро, аёл ва болага кўтарилган қўл, уларнинг шаъни ва қадр-қимматида қилинган таъвозу, бу алоҳида тахассус эмас, балки бутун жамият маънавиятига таъдир.

Ушбу иллатга барҳам бериш учун мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар қандай таъзия ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, аввало, миллий қонунчиликни изчил равишда такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш устувор вази-фа сифатида белгиланди.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2019 йилда имзоланган «Хотин-қизларни таъзия ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун мазкур соҳада мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлди, дейиш мумкин.

Шунингдек, 2023 йилда Сенат томонидан қабул қилинган тегишли қонун билан 5 та кодекс ва 10 та қонунга хотин-қизлар ҳамда болалар ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялашга қаратилган муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу сай-ҳаракатлар натижаси ўлароқ қонунчилик «оилавий (маиший) зўравонлик», «таъзия этиш», «шаҳсоний шилқимлик» каби янги тушунчалар киритилиб, улар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Айниқса, жинсий ҳарактердаги жиноятларнинг ижти-

моий хавфлилик даражаси оширилиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар қаторига киритилгани жамият учун қатъий оғохлантирувчи сигнал бўлди. Болаларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноят содир қилган шахсларга нисбатан шартли озод этиш ёки жазони енгилроқ турга алмаштириш имкониятлари чекланди.

Ўтган йилдан бошлаб судлар ниқоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётганда оиладаги (ма-

зилли ёрдам кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди.

2024 йилдан бошлаб республика бўйлаб туман ва шаҳарлар миқёсида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ҳузурида кундузги қатнов ва 24 соатлик бирламчи қўмақ хоналари фаолият бошлади. 193 та тиббиёт муассасасида ҳам шундай хоналар ташкил этилди. Вилоятлар даражасида эса реабилитация марказлари орқали жабрланган аёлларни 6 ойгача бошпана, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Бу борадаги ҳимоя механизмлари янада кенгайтирилиб, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига зўравонликка учраган аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга давлат божисиз мурожаат этиш ҳуқуқи берилди. Ушбу марказларда ҳуқуқшунос, ижтимоий ходим ва болалар тарбиячиси лаво-

электрон ҳуқуқий платформаси орқали 2025 йилда фуқароларга 2,1 мингдан ортиқ ҳуқуқий маслаҳат ва амалий қўмақ хизматлари тақдим этилди.

Эртамиз эгалари бўлган болажонларни ҳам турли зўравонликлардан ҳимоялаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Ўтган йили кучга кирган «Болаларни барча турдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликка қўшимча равишда «буллинг», «эксплуатация», «ғамхўрлик кўрсатмаслик» каби янги тушунчалар ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди.

Болаларга нисбатан зўравонлик масаласига парламент назорати доирасида ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Сенат Кенгашнинг қарори асосида чора-тадбирлар дастури ижрога йўналтирилди. Натижада илгор хорижий тажрибалар ўрганилиб, интернет тармоғида, даркнет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа турли платформаларда вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни такомиллаштириш ҳамда болаларга нисбатан киберзўравонликнинг олдини олиш юзасидан 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, интернет тармоғида болаларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган идораларо ҳаракатлини механизмлари тартибга солиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланди.

Бундан ташқари, болалар қаровсиз қўлиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларга васий ёки ҳимий тайинлаш тартиби қайта кўриб чиқилиб, уни такомиллаштириш юзасидан ҳуқуқат қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болаларни таъзия ҳамда зўравонликдан ҳимоялаш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар давлатнинг бу масалаларга қатъий ўрнини аққол намоён этмоқда. Зеро, аёллар ёзғида, болалар эътиборида бўлган жамиятнинг эртаси ёрқин бўлади.

Орғул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси.

Эртамиз эгалари бўлган болажонларни ҳам турли зўравонликлардан ҳимоялаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Ўтган йили кучга кирган «Болаларни барча турдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликка қўшимча равишда «буллинг», «эксплуатация», «ғамхўрлик кўрсатмаслик» каби янги тушунчалар ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди.

иший) зўравонлик жиноятдан жабрланган шахснинг талабига қўра ярашун учун муҳлат тайинлашга алоҳида амалиёти ҳам қонунчиликка киритилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш фақат қонунлар билан чекланиб қўлаётгани йўқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими ҳам тубдан янгиланди. Давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 208 та туман ва шаҳарда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Маҳалла даражасида профилактика инспектори ва ижтимоий ходимлар томонидан таъзия ҳолатларини эрта аниқлаш, баҳолаш ва ман-

зимлари жорий қилиниб, хизмат турлари кенгайтирилди. Фаолиятларини янада кенроқ давом эттириш учун халқаро ташкилотлар ва маҳаллий манбалар ҳисобидан уларга салмоқли грантлар йўналтирилди.

Бу борада фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат ноотиқорат ташкилотларининг ҳам ўрни беқиёс. Жумладан, ННТлар томонидан хорижий донорларнинг молиявий кўмағида 732 минг АҚШ доллари миқдоридан 10 га яқин ижтимоий лойиҳалар амалга оширилиб, жабр қўрган хотин-қизлар ва болаларга манзилли ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш мақсадида «Гендер-мадад»

Сирдарёда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари кунлари

Мазкур нашрлар мамлакат ҳаётини кенг ва ҳолис ёритиб бораётган, миллий матбуотимизнинг муҳим ҳамда ишончли нашрлари экани, уларнинг саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар жамият тараққиёти ва фуқаролик позициясини шакллантиришда катта аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

— «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари олий ўқув юртимиздаги энг кўп ўқиладиган нашрлар ҳисобланади, — дейди Гулистон давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Азизжон Қаландаров. — Президентимиз томонидан имзоланаётган қонунлар, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар билан айни шу нашрлар орқали танишмас, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг баътафсил хабардор бўлиб борамиз.

Сўз навбати муштарийларга берилганда залда самимийлик ва эркинлик муҳити янада кучайди. Таклифлар, мулоҳазалар, танқид ва илқ фикрлар — барчаси очик айтилиб, самимият билан қабул қилинди.

Хусусан, Гулистон давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультети талабалари — Райҳона Маматқулова, Гулнора Турғунбоева «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини мунтазам кузатиб боришини таъкидлаб, уларда чоп этилаётган таҳлилий мақолалар учун таҳририят аъзоларига миннатдорлик билдирди. Мулоқотда таҳририят вакиллари томонидан билдирилган Гулистон давлат педагогика институтида «Маҳорат мактаби»ни ташкил этиш таклифи олийгоҳ жамоаси ва ёшлар томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона марказида давом этган мулоқотда таъкидландики, матбуот — бу шунчаки ахборот манбаи эмас, балки жамиятнинг кўзгуси. Унда халқ дарди ҳам, орзуси



ҳам, ютуқлари ҳам, муаммолари ҳам акс этиши шарт. Журналист қалами фақат воқеликни тасвирламайди, унинг мазмунини очди, сабаб ва оқибатини таҳлил қилади. Шу боис ҳолислик, фактга таяниш, масъулият ва виждон иждодкор учун энг юксак мезондир.

— «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари кутубхонамиз фойдаланувчилари томонидан энг кўп сўраладиган нашрлар сирасидан, — дейди Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Ойбек Қаримов. — Шу боис ҳар йили ушбу нашрларга бир эмас, бир неча нусхада обуна бўламиз.

Тадбирларда таҳририят ва муштарийлар ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш, газеталарнинг ўқишлилигини, оммабоплигини янада ошириш борасида билдирилган мулоҳаза ва таклифлар келгуси фаолиятда инobatга олиниши, истиқбол режалари шу асосда ишлаб чиқиши айтилди. Мулоқотлар қалам аҳли ва ўқувчи қалби ўртасидаги самимий суҳбатга, фикр ҳамда қарашлар алмашинувига айналди.

Фозилддин АБИЛОВ,
Ахмодали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») мухбирлари.
Юнус БҮРИЕВ оlingан суратлар.

МИЛЛИЙ ТАШАББУСЛАР ВА ГЛОБАЛ ҚАРОРЛАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан амалга оширилаётган дастурлар эса тиббиёт тизимини халқаро стандартларга яқинлаштирмоқда. Бу каби алоқалар Янги Ўзбекистон ислохотларининг халқаро миқёсда қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Ташқи сиёсатдаги энг муҳим ютуқларимиз

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим ютуқларидан бири — Марказий Осиёда янги сиёсий муҳитни шакллантириш. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган ташаббуси асосида 2018 йилда «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисида»ги резолюция қабул қилинди.

Бу ҳужжат минтақа давлатлари ўртасида ишончли кучайтиришга ҳуқуқий асос яратди. Чегара масалалари босқичма-босқич ҳал этилди, савдо айланмаси ошди, транспорт-логистика алоқалари фоллашди. Марказий Осиё бугун глобал сиёсатда «муаммоли ҳудуд» сифатида эмас, балки ўзаро ишонч макони, конструктив ҳамкорлик намунаси сифатида тилга олинмоқда. Бу

— Янги Ўзбекистон дипломатиясининг амалий натижаси.

2021 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги резолюцияни қабул қилди.

Ушбу қарор минтақавий экологик инқирозни глобал даражада эътироф этиш ва халқаро сай-ҳаракатларни бирлаштиришга хизмат қилди. БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди доирасида Оролбўйи учун алоҳида молиявий механизм ишга туширилди.

Халқаро молиявий институтлар ва донор ташкилотлар иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Чўланишга қарши курашиш, яшил ҳудудларни барпо этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича замонавий технологиялар, «яшил» иқтисодиёт элементлари жорий қилинапти, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оролбўйидаги ер майдонларида саксовул ва бошқа чўлга чидамли ўсимликлар экилиши нафақат экологик барқарорлик, балки аҳоли саломатлиги ва ижтимоий шароитини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда. Ва бу Янги

Ўзбекистоннинг экологик адолат ва иқлим барқарорлиги борасидаги фаол позициясини намоён этиб, экологик масъулиятли давлат сифатидаги сиёсати халқаро даражада қўллаб-қувватланаётганини аниқлатади.

Мамлакатимизда кўш ва шамол электр станциялари қурилиши жадаллашди, «яшил» иқтисодиёт улшини ошириш бўйича стратегия қабул қилиниб, қайта тикланадиган энергия лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бу ташаббуслар глобал иқлим сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб, мамлакатимизнинг экологик масъулиятли давлат сифатидаги нафузини мустақамлашмоқда ҳамда Янги Ўзбекистоннинг инновацион ва барқарор тараққиёт йўлидан бораётганини намоён этапти.

Марказий Осиёдаги янги сиёсий муҳит, чегаралар бўйича келишувлар, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, бу — минтақавий барқарорликка қаратилган халқаро ҳуқуқий асоснинг самарасидир.

Ёшлар келажаги — Ватан истикболи

Ёшлар ва маърифат масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатлар экстремизмга қарши маърифий ёндашувни халқаро сиёсат даражасига кўтарди. Янги Ўзбекистон ёшларни стра-



тегик ресурс сифатида кўради. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ доирасида ёшлар ҳуқуқлари ва диний бағрикенгликка бағишланган резолюциялар ҳам қабул қилинди. Бу ҳужжатлар глобал миқёсда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва экстремизмга қарши маърифий ёндашувни илгари суришга қаратилган.

Мамлакатимизда ёшлар учун таълим имкониятларининг кенгайиши, янги университетлар очилиши, халқаро таълим дастурлари жорий этилиши мазкур ташаббусларнинг амалий ифодасидир.

Янги Ўзбекистон инсон капиталига сармоа киритиш орқали барқарор тараққиётга эришишни мақсад қилган. БМТ минбари эса мамлакатимиз учун миллий манфаатларни ҳимоялаш, минтақавий барқарорликни таъминлаш ва умуминсоний қадриятларни илгари суриш майдонига айналди.

Жаҳонгир ИСАЕВ,
Барқарор ривожланиш маркази эксперти.

ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ СИЁСАТИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Аграр соҳа салоҳияти бўйича Сурхондарё бошқа ҳудудларга қараганда анча устунлик қилади. Шу боис эндиликда боғдорчилик, узумчилик ҳамда кластер тизимини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Саросиё ва Узун туманларида тоғолди ҳудудларидан самарали фойдаланиш, Олтинсойда узумчилик кластерларини ривожлантириш, Деновда савдо-хизмат ҳабини ташкил этиш каби ҳаётий ташаббуслар “Жануб гавҳари”нинг иқтисодий диверсификация

қилишга ёрдам бериши, шубҳасиз. Айниқса, Термиз туманида жорий этилган “Томорқа мактаби” тажрибасини кенгайтириш, аҳоли томорқаларидан йил давомида уч марта ҳосил олиш амалиётини оммалаштириш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бу чора-тадбирлар оилалар даромадини ошириш орқали ижтимоий барқарорлиқни мустақкамлайди.

Қолаверса, инфратузилма модернизацияси иқтисодий назария нуктаи назаридан “кўпайтирувчи

самара” (multiplier effect)ни таъминлайди. Яъни транспорт харажатларининг қисқариши маҳсулот таннархини пасайтиради, экспорт-боллиқни ошириб, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Шу маънода, йўл-транспорт тизимини янгилаш Сурхондарёнинг таъминоти алоқаларини кенгайтириш ва уни халқаро логистика занжирларига чуқурак интеграция қилишга замин яратяди.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида илгари сурилган барча ташаббусларни бирлаштириб турувчи гоё, бу “инсон қадрини учун” та-

Фирдавс ҚУРБОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тараққиётимизнинг асосий таянчи

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи воҳамиз тараққиётга юксак эътибор ва ишончнинг яққол ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари вилоятимизни катта салоҳиятга эга, меҳнаткаш ва ташаббускор инсонлар яшайдиган ҳудуд сифатида эътироф этди. Чиндан-да, стратегик жойлашув, бой табиий ресурслар ва ёшлар салоҳияти вилоятни мамлакатимизнинг таянч ҳудудларидан бирига айлантиришга хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, ҳудудда олиб борилаётган ислохотлар қисқа фурсатда сезиларли натижа бермоқда. Бунинг кўпгина соҳаларда қўлга киритилган ютуқлардан ҳам билса бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, “Сурхондарё бугун ўзгаришти, энг муҳими — одамларнинг дунёқараши, ташаббуси ва ишончи ошмоқда”.

Мамлакатимиз етакчиси қайси ҳудудда бўлмасин, аввало, келажак авлодларимиз бўлган ёшлар масаласига



алоҳида эътибор қаратади. Сурхондарё вилоятида ҳам ёш авлод таълим-тарбиясини юксалтириш, замонавий билим ва касб-хунар эгаларини тайёрлаш масаласига устувор вазифа сифатида қараб, таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги ислохотларга янги суръат бағишлаш учун қатор тақлифлар берди.

Хусусан, мактабларда яратилаётган шароитлар, ўқув жараёнларининг сифати, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари муҳокима қилиниди ҳамда таълим сифати, аввало, педагогларнинг билим ва масъулиятига боғлиқлиги таъкидланиб, уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши экани қайд этилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларидан янги мактаблар қуриш, мавжуд таълим муассасаларини реконструкция қилиш, замонавий лаборатория ва ахборот технологиялари билан жиҳозлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Ёшларнинг чет тилларини ўрганиши, рақамли билимларни эгаллаши ва касбга йўналтирилиши масалаларига алоҳида урғу қаратилди.

Шу мақсадда энди вилоятда Ўқув марказлари уюшмаси ташкил қилиниб, бу уюшмага 100 миллион доллар маблағ жалб этилиши айтилди. Ушбу маблағлар ўқув маркази ташкил қилмоқчи бўлган тадбиркорларга арзон кредит, субсидия, жой ижарасининг компенсацияси учун йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Сурхондарёнинг меҳнаткаш халқи, бой табиий ва инсоний салоҳиятига алоҳида тўхталиб, вилоятнинг келажаги билимли ва касб-хунарли ёшларга боғлиқ эканини қайд этди. Билимли ва ташаббускор авлод — Янги Ўзбекистон тараққиётимизнинг асосий таянчи. Шу боис Сурхондарёда келиб чиқиб янги таълим йўналишларини очиб муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Президентимиз ташрифи Сурхондарёнинг тараққиёт йўлини янада мустақкамлаб, келгусида унинг ижтимоий-иқтисодий ривожига кучли туртки бериши, воҳа аҳлининг эртанги кунга ишончини мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Дилбар НОРМУРОВОВА, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши раиси.

«Жануб гавҳари»даги янгиланишлар бардавом

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бугун халқимиз ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч нуктаси ҳисобланган Сурхондарёда ҳам.

Вилоятдаги туб ўзгаришларни ушбу рақамлар янада ойдинлаштиради. Жумладан, ўтган қисқа даврда 5 млрд. долларлик 8 мингдан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Иқтисодиётда sanoatning улуши беш карра ўсди. Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 63,7 трлн. сўмга етди. 2,1 млрд. доллар қийматидаги хоржий инвестиция ўзлаштирилиб, дунёнинг қирққа яқин давлатларига 483 млн. долларлик маҳсулот ҳамда хизматлар экспорт қилинди.

Бундай ўзгаришларга ҳар соҳада ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Ушбу кўрсаткичларни яна бир неча баробар ошириш жоиз. Бунинг учун эса ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп.

Давлатимиз раҳбари икки кун давомида ушбу ҳудудда кечаётган ислохотлар жараёни билан танишиб, вилоятни янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ тақлиф ҳамда ташаббусларини илгари сурдики, бундан воҳалиқлар жуда мамнун.

Тўғри-да, қувонмай бўладими? Ташриф доирасида вилоятда умумий қиймати 7,1 млрд. доллар бўлган 44 та лойиҳа ишга туширилди. Яна 6 млрд. 300 млн. долларлик 31 лойиҳа бўйича қурилиш ишларига старт берилди. Бу минглаб янги иш ўринлари, қўшимча даромад, янги боғчалар, мактаб ва замонавий тиббиёт марказлари, дегани. Бундай истиқболли лойиҳалар ҳудудда камбағаллик, ишсизликни камайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қизирик ва Музработни “камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сурхондарёнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирганда, аввало, вилоятдаги қулай иқлим шароити ҳамда деҳқон-фермерларнинг ташаббускор ҳамда машаққатли меҳнатини эътироф этиш жоиз. Бу ҳудуд мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Вилоятдаги мавжуд томорқаларнинг 35 минг гектарига 3-4 марта ҳосил олиш мумкин ва бу ҳолат бошқа вилоятларда деярли такрорланмайди.

Хатто Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”да томорқага илм билан ёндашиб, бир йилда 5 мартагача экин экиш ўргатилди. Эътиборли жиҳати, шу кунгача 1300 нафарга яқин ишсиз ҳамда камбағал оила аъзоси махсус курсларни тугатиб, ўз томорқаси ёки ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали ўзини ўзи банд қилган. Шунингдек, вилоят шароитида иссиқхонадан маҳсулот олиш бошқа жойлардан 2-3 баробар арзонга тушади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бугун миллий иқтисодиётимизнинг драйвер соҳасига айланган туризм ривожига ҳам воҳанинг ўзига хос ўрни бор. Хисоб-китобларга қўра, 150 дан ортиқ маданий мерос объекталари жойлашган вилоятда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланилса, йилга 1 миллиард долларлик тушум қилса бўлади.

“Жануб гавҳари”даги янгиланишлар ҳақида яна узоқ гапирishi мумкин. Сурхондарёнинг Янги Ўзбекистон келажаги, орта қайтмас ислохотларига бўлган ишончи, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати баланд. Президентимиз таъбири билан айтганда, воҳанинг меҳнаткаш ва танти эли билан ҳудудда ҳали кўп эзгу ишлар, ҳаётий ташаббуслар амалга оширилади. Зеро, мазкур ўлкада руҳи бакуватд, ғайрати баланд, орияти мустақкам инсонлар яшайди.

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ, ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

Инсон истеъмол қилаётган сув унинг саломатлигига, умр давомийлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида аҳоли турмуши билан танишар экан, аввало, маҳаллаларнинг тоза ичимлик суви билан қай даражада таъминланганини сўраб-суриштириши боиси ҳам шундан.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Муружаатномасида ҳам бу масалага тўхталиб, 2025 йилда қўлга киритилган муҳим ютуқларимиз қаторида 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшаётган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борганилигини мамнуният билан тилга олди. Ушбу рақамлар замирида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари муваффақият билан амалга ошди.

Хусусан, ўтган йилнинг ўзида қарийб 12 трлн. сўм эвазига 2 минг километрдан ортиқ ичимлик ва 527 километрга яқин оқова сув тармоғи ҳамда 134 та сув иншооти қурилди. Жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 2 трлн. 250 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

Масалан, Нукус шаҳридаги сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш натижасида 77 та маҳаллада яшовчи 350 минг нафар аҳолига етказиб берилаётган ичимлик суви сифати яхшиланди. Шаҳарнинг суви билан таъминланганлик даражаси 100 фоизга етди.

Шу билан бирга, “Тўполанг сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилояти суви таъминоти яхшиланиш” лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида Бандихон, Олтинсой туманлари ва Термиз шаҳрида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. 125 километрдан ортиқ магистраль ҳамда

ти нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам сезиларли яхшиланди.

Президентимиз бу каби йирик энергетик, технологик ва ижтимоий самарадор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳар жиҳатдан зарурлигини таъкидлади. Бундай тажрибаларни келгусида мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш мумкинлигига эътибор қаратди.

Сув таъминоти билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишга халқаро молия институтлари маб-

Соҳани рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Хусусан, “Сув диспетчер” тизими тўлиқ ишга туширилиб, авария-тиклаш гуруҳлари ҳаракатлари реал вақтда оптималлаштирилди. Юридик истеъмолчилар биллигини “Xwater”га интеграция қилиниши, шахсий кабинетлар орқали шартнома ва ҳисоблагич маълумотларига онлайн киритилиши таъминланди. Шунингдек, “Сувўлчачи хизмати”

Шунингдек, жорий йилда 51 маҳаллада истиқомат қилувчи 230 минг нафар аҳолини илк бор оқова сув тизимларига улаш ҳамда 23 та маҳалладаги 95 минг нафар аҳолига кўрсатилган оқова сув хизматларини яхшилаш эвазига қаровли 23 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Шу мақсадда давлат дастурлари доирасида жойларда қарийб 1 014 километр ичимлик ва 97 километрдан ортиқ оқова сув тармоқлари, 64 та ичимлик ҳамда 25 та оқова сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган 23 та лойиҳа доирасида 572 километр ичимлик ва 290 километр оқова сув тармоқлари тортилди, 16 та ичимлик ҳамда 4 та оқова сув иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Жорий йилда кўзда тутилган марраларимиз қаторида мавжуд 10 минг километрдан зиёд ташки ва ички оқова сув коллекторларини ювиш ва тозалаш ишларини амалга ошириш, 49 183 та хонадонга сув тармоқларини олиб килиш ва уларга сув ҳисоблагичлари ўрнатиш, 1 248 та замонавий сув ҳисоблагичларини иншоот ва тармоқларга ўрнатиш каби ишлар туриди.

Энг муҳими, сув таъминоти тизимида олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда халқ қилувчи ролга эга бўлиб, бу борадаги ишлар мунтазам давом эттирилди.

Аҳмад СУВҚОНОВ, «Ўзсувтаъминоти» АЖ бошқаруви раиси вазифини бажарувчи.



лағлари ҳам кенг жалб этилмоқда. Хусусан, ўтган йили хоржий инвестициялар ҳисобидан умумий сўммаси 434,8 млн. доллар бўлган 11 лойиҳа тўлиқ ишга туширилди. Жумладан, Нукус туманининг ичимлик суви таъминоти яхшилаш мақсадида Осиё тараққиёт банкидан ажратилган 11,4 млн. доллар кредит маблағлари эвазига 3 та сув тақсимлаш иншооти янгидан барпо этилди, 1 та сув тақсимлаш иншооти реконструкция қилинди, 12 маҳаллага сув тармоқлари тортилиб, 6 150 та хонадонга замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бунинг натижасида йилга 482 минг кВт. электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди.

Маънавий баркамоллик рамзи

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 111 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шукух

Шоира ҳайкали пойида бўлиб ўтган анжуманда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари масъуллари, ижодкор зиёлилар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўз олганлар ижодкорнинг миллий адабиётимиз ривожини, халқимизнинг маънавий таракқиётида беқиёс ўрин тутишини таъкидлади. У ўз асарларида ўзбек аёлининг қалби, маънавий қиёфаси, нафосати, вафо ва садоқати, сабр-матонатини ўзига хос услубда юксак бади-

ий ифода этгани эътироф қилинди.

Зулфия тимсоли ва унинг безавол асарлари бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимо-

ий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ватанпарварлик, фидойилик ва маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётгани ургуланди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари мушоираси бўлиб ўтди. Унда талаба-қизлар томонидан шоира шеърларидан намуналар, дostonларидан парчалар ўқилди. Мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар йиғилганларга хушайфият бағишлади.

Яқунда иштирокчилар Зулфия ҳайкали пойига гуллар қўйди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқ ёзувачиси Хайриддин Султонов, Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳқамова иштирок этди.



«Халқ сўзи».



Юнус БҮРМИБ олган суратлар.

Муносабат

ПАРВОЗГА ШАЙ АВЛОД

Қалблари орзу-умидларга пайваста ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш уларга қанот бағишлайди. Президентимизнинг Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан мулоқотини кузатиб, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган бугунги Ўзбекистон ёшлари нақадар бахтли ўғил-қизлар эканидан қалбим гурурга тўлди.

— Юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз тимсолида биз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучни кўраемиз, — деди давлатимиз раҳбари. Шу билан бирга, ҳар бир вазир, ҳокимлардан тортиб олийгоҳ ректори, техникум, мактаб директори ва бошқа масъуллар ўз худудларидаги ёшларни тил ва касбухунар ўрганишига кўмаклашиши, уларнинг спорт билан шугулланиши, гоё, лойиха ҳамда стартапларига кўмак бериши, ўсиши ва ҳар томонлама ривожланишига ёрдам бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир ўғил-қиз тақдирига янада эътиборлироқ бўлиш, уларни ишли ва даромадли қилиш масалаларига ҳар бир раҳбарнинг масъуллиги айтилди.

шарт-шароитлар яратилапти. Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини вазирилик, идора ва ҳокимликларда «Ёшлар кунини» ўтказилиши, шу кун соҳага масъул раҳбарлар маҳалла, мактаб ва техникумларга бориб, ёшлар қалбига қулқ тутишлари, уларга муаммоларини ҳал қилишда кўмақдош бўлиш лозимлиги таъкидланди. Мунтазам равишда ўтказилади «Ёшлар кунини»да уларни ўйлантираётган муаммолар бартараф қилинади.

Энг яхши томорқачи, фермер, саноатчи, стартапчи, ижодкор, маънавият ва бошқа соҳалардаги ёшлар учун қизқарқин мавзуларда танловлар ва ярмаркалар қилиш масалаларига ҳар бир раҳбарнинг масъуллиги айтилди.



Президент ташаббуси ва ғамхўрлиги боис ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Мулоқотда таъкидланганидек, Тошбаки Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилди. Ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилади. «Келажақ тадбиркори дастури» ишга туширилади. «Янги авлод тадбиркорлари» дастурида 40 минг нафар ёш бизнес-га ўқитилади. Ўғил-қизларимиз ҳар жиҳатдан соғлом, ишли-касб-ли, замонавий билимларга эга бўлса, Янги Ўзбекистонимиз янада ривожлана боради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар таълими, касб-хунар ўрганиши учун барча зарур

рени амалда қўллашга руҳлантиради. Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ёшлар тақдирини муҳим ўрин эгаллаши ҳақ гап. Замонавий технологиялар, IT дастурлар орқали ишлашни ўрганган ёшлар юртимизда амалга оширилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда жамиятимизнинг илгор қатлами сифатида Ватанимиз тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшишига ишонамиз.

Абдулхамид МАМАНЖАРОВ,
М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шихридаги филиали раҳбари ўринбосари, педагогика фанлари доктори.

Талаба ихтироси

ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТМАЙДИ

Сўнгги йилларда дунё бўйича саратон касаллиги билан оғриш ҳолатлари ортиб бормоқда. Манбаларда чаён захри таркибидеги хлорофенон моддаси рақ ҳужайралари ўсишини секинлаштиришда, нейротоксинлар эса асаб касалликларини даволашда қўллангани таъкидланган. Чаёнлар экологик мувозанатни сақлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Термиз давлат педагогика институтини Биология факультети 1-босқич талабаси Феруза Тўхтамуродова янги инновацион қурилмани яратди. Ишлаб чиқилган ушбу қурилма чаён захрини уни нобуд қилмасдан олиш имконини беради.

Аваллари заҳар олинган, чаёнлар нобуд бўлар эди. Ёш ихтирочининг қурилмаси орқали эса электростимуляция усули асосида бир чаёндан бир неча марта заҳар олиш мумкин. Бу биомодда танқислигини камайтириш ва фармацевтика соҳасида янги имкониятлар яратишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУНЁДКОРЛАРИ

Ёшлар билан қанча кўп мулоқот қилинса, улардан чиқадиган ҳаётий тақдир ва гоёлар ҳам шунча кўпаяди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари навқирон авлод вакиллари билан тез-тез учрашиб, уларнинг фикрлари, қизиқишлари ва мамлакатни ривожлантиришга оид тақдирлари билан қизиқади. Бу эса ўз самараларини бераётганига мисоллар кўп.

Нуктаи назар

Президентимизнинг ёшлар билан навбатдаги учрашуви ҳам Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт йўлида тарихий воқеа бўлди. Мулоқотдан келиб чиққан асосий хулосалар ва белгиланган устувор йўналишлар мамлакатимизда ёшлар сиёсати мутлақо янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Бугунги кунда маҳалаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам юқори. Улар шунчаки маъмурий ходим эмас, балки йигит-қизларнинг дарду ташвиши билан ҳамоҳанг ишлайдиган чинакам кўмақчидир. Шартнома тўловларидан тортиб, тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар ажратишга бўлган жараёнларда етакчилар иштроки тизимнинг инсонпарварлик тамойиллиги асосланганини англашди. Эндиликда раҳбарлар фаолияти ёпиқ кабинетларда эмас, балки очик платформаларда, жонли мулоқотлар орқали баҳоланмоқда.

Таълим муассасалари олдидаги янги талаблар

Ёшлар — мамлакатнинг энг катта иқтисодий, ижтимоий ва интеллектуал капитал. Глобал рақобат кучайган асрда мамлакат салоҳияти табиий бойликлар билан эмас, балки билимли ва шижоатли ўғил-қизлар билан ўлчанмоқда. Бу ёндашув олий таълим муассасалари олдида ҳам янги талабларни қўяди. Университетлар фақат диплом берувчи маскан эмас, рақобатбардош, инновацион фикрлайдиган ва стартап гоёларини ҳаётга татбиқ эта оладиган кадрлар тайёрловчи марказларга айланиши шарт. Таълим тизимидаги ҳар бир муаммага талабалар билан биргаликда ечим топиш таълим сифатини оширишнинг энг самарали механизми сифатида белгиланди.

Замонавий меҳнат бозори қуруқ дипломини эмас, балки амалий кўникма ва компетенцияни талаб қилаётди. Шу боис ёшларга ўз мутахассислиги бўйича амалиёт ўташи, хорижий тилларни мукамал эгаллаши, янги бизнес гоёларини молиялаштириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш ва хорижда таҳриба ортириши учун тизимли шароитлар яратилмоқда.

Учрашуда илгари сурилган имкониятлар шунчаки вақтинчалик ёрдам эмас, аксинча, тизимли характерга эга. Стартапларни инвестициялаш, миллий брендларни яратиш учун ажратилаётган миллиардлаб маблағлар ва солиқ имтиёзлари ёшларнинг ўз кучига ишончини мустаҳкамламоқда. Фикринизча, Президентимиз билан ўтказилган очик мулоқот Янги Ўзбекистон ворислари учун янги



давр дарвозасини очди. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, доимий изланиш ва инновацияларга интилиш ҳар бир йигит-қизнинг бош мақсадига айланиши лозим.

Зеро, интеллектуал салоҳияти юқори ёшлар бор юртда тараққиёт ҳеч қачон тўхтамайди. Бироқ имкониятнинг мавжудлиги ўз-ўзидан натижа бермайди. Ундан фойдаланиш учун интилиш, ташаббус ва меҳнат талаб этилади. Бу эса

“Сўнгги йилларда яратилган имкониятлар натижасида ўғил-қизларимиз халқроқ майдонларда муносиб натижаларга эришмоқда. Жаҳон фан олимпиадаларида ютуқлари қўлга киритаётган ўсмирлар, дунёдаги нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони ошиб бораётди. Улар томонидан яратилган стартаплар АКШ, Буюк Британия, Жанубий Корея ва БАА бозорларига чиққани эса интеллектуал салоҳият қанчалар юқори эканини тасдиқлайди.”

талабалар олдида шахсий масъулият масаласини қўяди.

Ҳар соҳада дадил қадамлар

Бугун юртимизда 22 миллиондан ортиқ ёшлар истиқомат қилмоқда. Ҳар йили 600 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда ва 2030 йилга бориб бу рақам 1 миллионга етиши кутилляпти. Демак, улар бандлигини таъминлаш, билим ва касбага йўналтириш нафақат ижтимоий, балки стратегик вазифа ҳисобланади.

Сўнгги йилларда яратилган имкониятлар натижасида ўғил-қизларимиз халқроқ майдонларда муносиб натижаларга эришмоқда. Жаҳон фан олимпиадаларида ютуқлари қўлга киритаётган ўсмирлар, дунёдаги нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони ошиб бораётди. Улар томонидан яратилган стартаплар АКШ, Буюк Британия, Жанубий Корея ва БАА бозорларига чиққани эса интеллектуал салоҳият қанчалар юқори эканини тасдиқлайди.

Ёшлар тадбиркорлиги йўналишида ҳам салмоқли натижалар кузатиляпти. Бугун мамлакатдаги бизнес вакилларининг 35 фоизи айнан улар ҳиссасига тўғри кела-

ди. Фақат ўтган йилнинг ўзида бандликни таъминлаш учун 400 млн. доллар йўналтирилиб, 15 минг нафар ёш ўз бизнесини бошлади ва 50 мингта иш ўрни яратилди. Янги қарорга кўра, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 млн. доллар ажратилиши белгиланди. Эндиликда ўзини ўзи банд қилганлар учун кредитлар 100 млн. сўмдан 300 млн. сўмгача қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 млн. доллар ажратилиши имконияти пайдо бўлади. Инновацион стартапларга 100 минг долларга инвестиция киритишга руҳсат берилиши эса ёшларни глобал бозорга чиқаришга ундайди.

“Келажақ тадбиркори” дастури доирасида 7 йилгача 15 фоизли кредитлар ажратилади. Гаровисиз 20 млн. сўмдан бошлаб, 2 млрд. сўмгача молиявий ёрдам бериш механизми жорий этилмоқда. Қамиди 5 нафар битирувчини ишга олган тадбиркорларга эса 10 млрд. сўмгача маблағ ажратилиши қўзда тутилган. Билим ва кўникмаларни ошириш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди. Ҳар бир худудда “Ёшлар бизнес инкубатори” ташкил этилиб, бизнесни бошлашдан тортиб маркетинг ва экспорт-

га чиқаришга комплекс ёрдам кўрсатилади. Шу билан бирга, қамиди 40 минг ёшнинг тадбиркорликка ўқитишга қаратилган “Янги авлод тадбиркорлари” дастури ишга туширилади. Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар нафақат фаровонликка, балки мамлакат иқтисодий ўсишига ҳам хизмат қилади. Чунки ёшларга сармоя — келажақка сармоя. Инновация, стартап ва билимга таянган иқтисодиётни шакллантиришда айнан улар ҳал қилувчи кучга айланимоқда.

Иш ўринларини яратувчи куч Ёшлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган. Бу эса ёшларнинг нафақат иш қидирувчи, балки иш ўринлари яратувчи кучга айланаётганидан далolat беради.

Эндиликда давлатимиз раҳбари белгиланган келиб чиқиб, университетимизда талабалар билан ишлашнинг мутлақо янги тизимига ўтамиз. Таълим ва тарбия сифатини янада ошириш, хорижий илгор технологияларни қўллаш, замонавий лабораториялар ҳамда коворкинг марказлари фаолиятини кенгайтириш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Дилшод РАҲМОНОВ,
Тошкент халқроқ университетининг Илмий-тадқиқотлар ва инновациялар департаменти бошлиғи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

5 — 7 март кунлари Самарқандда учинчи Ўзбекистон — Венгрия ректорлар форуми бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 342. 25 874 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тасвир берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.50 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6